

КУЧМАС МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРИШ

01-сон ШАРТНОМА

Узун тумани.

«05» - январь 2022 йил.

Бундан буён матнда «Ижарага берувчи» деб аталувчи: «SURXON QURILISH BUTLASH» Mas'uliyati cheklangan jamiyati номидан директор Бегов Аслиддин Кудратуллаевич бир томондан, ҳамда бундан буён матнда «Ижарага олувчи» деб аталувчи, «TO'PALANG GIDROMAXSUS QURILISH» Unitar korxonasi номидан директор Хурсанов Хамрокул Пардаевич иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун талабларидан келиб чикиб қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишдилар.

1. Шарнома предмети.

- 1.1. «Ижарага берувчи» Узун тумани, Телпакчинор МФЙ, Обизаранг қишлоғида жойлашган, кадастр рақами 191202010701020001 бўлган кўчмас мулк биносининг бир қисмини офис биноси сифатида фойдаланиш учун «Ижарага олувчи» га топшириши;
- 1.2. «Ижарага олувчи» эса, мазкур кўсмас мулк биносининг бир қисмини қабул қилиб олиб, уни ўзининг офис биноси сифатида фойдаланиб, уни тегишли тартибда емирилишини инобатга олиб, ўз ҳисобидан таъмирлаб бориш ва ундан шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиши шунингдек келишилган ижара тўловларини амалга ошириб бориши шартноманинг асосий предметиدير.

2. Шартномани баҳоси.

- 2.1. «Ижарага олувчи» мазкур уй-жойдан фойдаланганлиги учун «Ижарага берувчи» га ойига 250 000 (икки юз еллик минг) сўм, шартнома якунига қадар эса 3 000 000 (Уч миллион) сўм миқдорида ижара ҳаққи тўлайди.

3. Тўлов шартлари.

- 3.1. Тўлов шартлари: «Ижарага берувчи» томонидан тегишли ҳисоб-варақ фактура тақдим этилгач, ҳар кейинги ойнинг 25-санасига қадар тегишли тартибда пул кўчириш йўли орқали ижара тўловлари амалга оширилиб борилади.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

- 4.1. Шартноманинг 1-бўлимида кўрсатилган кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаси, ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) кун ичида қабул қилиш ва топшириш далолатномаси бўйича амалга оширилиши лозим.
- 4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати:
Имзоланган шартнома: 2022 йил «05» январдан
2022 йил «31» декабрь кунига қадар амалда бўлади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари.

- 5.1. «Ижарага берувчи» нинг мажбуриятлари:
 - Ижарага бериш учун топширилаётган, Узун тумани, Телпакчинор МФЙ, Обизаранг қишлоғида жойлашган, кадастр рақами 191202010701020001 бўлган кўчмас мулк биносининг бир қисмини офис биноси сифатида «Ижарага олувчи» га мазкур шартнома имзолангандан сўнг 1 (бир)кун ичида топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топшириши;
 - Кўчмас мулкни (офис биносини) «Ижарага олувчи» томонидан тегишли тартибда жорий, мукамал ва қайта таъмирлаш учун розилик бериши;
 - Мазкур топширилаётган кўчмас мулк биносини ва ундаги мавжуд барча жиҳозлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида маслаҳат ва бошқа ёрдамларини кўрсатиши;
- 5.2. «Ижарага олувчи» нинг мажбуриятлари:
 - Офис биноси сифатида, фойдаланиш учун қабул қилаётган, Узун тумани, Телпакчинор МФЙ, Обизаранг қишлоғида жойлашган, кадастр рақами 191202010701020001 бўлган кўчмас мулк биносининг бир қисмини ушбу шартнома шартларига мувофиқ вақтинчалик фойдаланиши, шунингдек ижара тўловларини ўз вақтида амалга ошириб бориши;
 - Кўчмас мулкни «Ижарага берувчи» билан келишган ҳолда жорий, мукамал ва қайта таъмирлаши;
 - Кўчмас мулкни яроқли ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан кўкаламлаштириб бориши;

- Кўчмас мулкнинг ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда сақланишини ўз зиммасига олиши;
- Шартнома муддати тугаганидан сўнг қабул қилиб олган кўчмас мулкни белгиланган тартибда қабул қилиш ва топшириш далолатномаси бўйича «Ижарага берувчи» га қайтариши.

6. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги.

- 6.1. «Ижарага берувчи» мазкур шартноманинг 2.1.-3.1.- бандларини ўз вақтида бажармаси, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори кўчмас мулк баҳосининг 30 %-дан ошмаслиги лозим.
- 6.2. «Ижарага олувчи» ушбу шартноманинг 3.2. бандини ўз вақтида бажармаси, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кўчмас мулк баҳосининг 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори кўчмас мулк баҳосининг 30 %-дан ошмаслиги лозим.

7. Форс-мажор ҳолатлари.

- 7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун шартнома тузилгандан сўнг юзага келган енгиб бўлмас куч содир бўлганда жавобгарликдан озод қилинадилар.

8. Низони ҳал қилиш тартиби.

- 8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча низолар ва келишмовчилар тарафлар ўртасида музокара олиб бориш йўли орқали ҳал қилинади.
- 8.2. Агар келишмовчиликларни музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўз.Рес. ФК ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-32 моддаларига, шунингдек Ўз.Рес. ЭПКга мувофиқ Сароисиё туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

9. Бошқа шартлар.

- 9.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилиб, тарафларга бир нусхадан сақланади.
- 9.2. Ушбу шартнома муддати тугаши билан бекор бўлади, агар шартномани амал қилиш муддати давомида тарафлар уни бекор қилиш истагида бўлсалар, ўзаро қўшимча келишуви асосида уни бекор қилишга йўл қўйилади.
- 9.3. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:
- 9.3.1. Офис биноси сифатида фойдаланиш учун топшириладиган кўчмас мулкнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кадастр ҳужжатлари,

Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари (маълумотлари).

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»

«SURXON QURILISH BUTLASH» MCHJ

Узун тумни, Телпакчинор, Обизаранг маҳалласи.

Х/р: - 20208000604347254001.

АТБ «Узсаноатқурилиш банки» Сароисиё филиали

МФО: - 00354; ИНН: - 205175374.

Директор: _____ А.К.Бегов

М. У.

«ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»

«TO'PALANG GIDROMAXSUS QURILISH» UK

Узун тумни, Телпакчинор, Обизаранг мах 46-уй.

Х/р: - 20208000905095174001.

ОАТ «Турон банк» Термиз филиали.

МФО: - 00328; ИНН: - 306527557.

Директор: _____ Х.П.Хурсанов

Бош муҳандис: _____ А.М.Почоев

Бош ҳисобчи: _____ Н.М.Фаттоев

Хўжалик мудир: _____ А.Бобожонов

Агар тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ёки банк реквизитлари ўзгарадиган бўлса, 3(уч) кун муддат ичида тарафлар бир – бирларини ёзма равишда огоҳлантиришлари шарт.